

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАКУЛЬТЕТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ

Ёғ ва мойлар тадқиқотининг жиҳозлари фанидан маърузалар матни



Тошкент-2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ


ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ



ЁҒ ВА МОЙЛАР ТАДҚИҚОТИНИНГ ЖИҲОЗЛАРИ

ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ



ТОШКЕНТ – 2013

Тузувчилар: катта ўқитувчи Ибрагимова М.С., ассистент Акрамов Р.Р.

«Ёг ва мойлар тадқиқотининг жиҳозлари» фанидан маърузалар матнлари 5A321001 «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси» магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга, ўқув режасига асосан 20 ўқув соат ҳажмида ўқишга мўлжалланиб, тайёрланган 10 та маърузани ўз ичига олади. Маърузалар матнларида мойларни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар кимёвий таркибини тўлиқ ва чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган махсус, замонавий тадқиқот жиҳозлари тўғрисида маълумотлар берилган.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» кафедрасининг 2013 йил 20 августдаги 1-мажлисида муҳокама қилинган (баённома № 1).

«Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» факультети 2013 йил 26 Августдаги (баённома №1) илмий-услубий кенгашида чоп этишга тавсия қилинган.

Тошкент кимё технология институтининг Илмий-услубий кенгашининг 2013 йил «30» «08» мажлисида (баённома № 1) тасдиқланган.

Тақризчи: ТДТУ қошидаги Олий муҳандислик педагогика институтининг профессори, т.ф.д., проф. С.А.Абдурахимов _____

МУНДАРИЖА

1-Маъруза	Кириш.....	4
2-Маъруза	Аффин хроматография усулининг назарий асослари....	8
3-Маъруза	Газли хроматографлар таркибий жихозлари. Газ хроматографлари детекторлари, колонкаларининг турлари ва тайёрлаш талаблари.....	14
4-Маъруза	Ҳарорати программалаштирилган хроматографлар.....	22
5-Маъруза	Газ хроматографларининг бошқа тадқиқот жихозлари биланқўлланилиши.....	27
6-Маъруза	Юқори унумдор суюқлик хроматографияси асослари....	36
7-Маъруза	Юқори унумдор суюқлик хроматографияси турлари.....	41
8-Маъруза	Электромиграцион тадқиқот усуллари асослари. Электрофорез ва изотахофорез жихозлари.....	44
9-Маъруза	Масс-спектрометрлар.....	48
10-Маъруза	ЯМР жихозлари.....	60
	Адабиетлар.....	67

1-МАЪРУЗА

КИРИШ

РЕЖА:

1.1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Рейтинг тизими ҳақида.

1.2. Хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар сифатини баҳолаш усуллари. Намуна олиш ва унинг тадқиқот натижасига таъсири.

1.3. Тадқиқотда хатоликлар ва уларнинг турлари.

1.1. Кириш. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Рейтинг тизими ҳақида

Мойларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини техно-кимёвий назорат қилишда, ҳамда шу жараёнларни оптимал бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқот ишларида қўлланиладиган энг замонавий тадқиқот усуллари ва жиҳозлари билан таништиришдир.

«Ёглар ва мойли хомашёлар кимёси» курсларида ўсимликлар, хусусан, мойли хом ашёлар ёки мойли уруғлар кимёвий таркиби билан танишилди. Ушбу фан мойли хомашёлардан ажратиб олинган моддаларнинг микдор, сифат таркибини ўрганишнинг назарий ва амалий асосларини ўргатади. У липидлар кимёсини чуқурроқ таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Кимё, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, яъни хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот сифатини баҳолаш лабораторияда амалга оширилади. Бунда қўлланиладиган тадқиқот усуллари қулай, содда ва тезкор бўлиши, ҳамда технологик жараённинг бузилганлигини ақс эттирувчи, асосий сифат кўрсаткичларини аниқловчи усуллар бўлиши керак. Ҳар бир технологик жараёнда мана шундай асосий микдор ва сифат кўрсаткичлар мавжуд. Масалан, мойларни ишлаб чиқаришда — уруғнинг мойлилиги, мойларни рафинация қилишда — кислота сони ва ранглилиги, гидрогенизация қилишда — эриш ва қотиш ҳарорати ва қаттиқлик даражаси ва ҳоказо.

Бу кўрсаткичларни аниқлаш усуллари «Ёг ва мойлар тадқиқотининг жиҳозлари» фанининг амалий машғулотида ўрганилади.

1.2. Хомашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот сифатини баҳолаш усуллари. Намуна олиш ва унинг тадқиқот натижасига таъсири.

Ҳар қандай тадқиқот асосида тўлиқ, аниқ, ўртача намуна олиш ётади. Чунки, тадқиқот усули қанчалик мукаммал бўлмасин, ажратилган намуна таҳлил қилинаётган моддани тўлиқ характерламаса, тадқиқотнинг маъноси қолмайди. Намуна ажратиш бир қанча босқичда боради: намуналар йиғиш, умумий намуна ҳосил қилиш, лаборатория ва сўнгра таҳлил намунасигача қисқартириш.

Тўғри ажратилган намунани таҳлил қилишдан олдин, уни таҳлилга тайёрлаш жараёнлари амалга оширилади. Бу жараёнлар таҳлил қилинадиган намунанинг кимёвий таркиби, физик ҳолати, уларнинг миқдори каби кўрсаткичларини тўғри аниқлаш учун қулай имконият туғдириши керак. Бу жараёнларга қуритиш ёки чала қуритиш, майдалаш, эрувчан компонентларни ажратиб олиш, аралашмани компонентларга ажратиш операциялари бўлиши мумкин. Таҳлилга тайёрлаш жараёни операцияларига қўйиладиган асосий талаб - намуна таркибига кирувчи моддаларнинг ўзгармаслигини сақлаб қолишдир.

Қуритиш ёки чала қуритиш операцияси нам материалларни майдалаш жараёнидан олдин келади. Қуритишдан мақсад материал қаттиқлик коэффициентини бузувчи кучга тенглаштириш, ҳамда намликни оптимал даражагача пасайтириб, органик эритувчиларда эрийдиган моддаларни тўлиқ экстракциясини амалга ошириш учун шароит яратишдир. Агар қуритиладиган материал маълум, аниқ намлик даражасигача қуритилиши керак бўлмаса, унда материал ҳаво намлик даражасигача, ҳона ҳароратида қуритилади. Бошқа ҳолларда қуритиш шкафлари, контактли ва сублимацион қуритиш мосламалари, инфракизил ёки юкори частотали токда ишлайдиган қуритиш ускуналари қўлланилади. Қуритиш ускуналари ва шароитларини танлашда қуритиладиган материалнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинishi керак. Оксидланиш жараёнининг олдини олиш учун вакуумда ёки инерт газ муҳитида қуритиш лозим.

Материални майдалашда шундай усул танлаш керакки, унда материал ниҳоятда майда дисперс ҳолатгача майдалансин ва унинг таркибидаги моддалар эса ўзгармасин. Моддаларнинг ўзгариши майдалаш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳисобига бориши мумкин. Материалнинг майдаланиш хусусияти унинг қаттиқлиги ва пишқилигига боғлиқ. Материалга таъсир қилувчи кучнинг таъсир шароитига кўра: эзиб майдалаш, уриб, ишқалаб ва кесиб-синдириб майдалаш усуллари қўлланилиши мумкин. Уриб ва эзиб майдалаш мўрт қаттиқ материалларга қўлланса, эзиб, ишқалаб майдалаш қовушқоқ материалларга қўлланилади.

Шунинг учун мойли уруғлар липидларни тўлиқ кимёвий таркибини ўрганиш учун барча турдаги липидларни ажратиб олиш имкониятини берувчи махсус усулларнинг барчасидан фойдаланилади.

1.3. Тадқиқотда хатоликлар ва уларнинг турлари

Бу босқичларда тасодифий хатолар таҳлил натижаларининг ортиш ёки камайиш томонига аниқлигини бузади. Бу хатоларни инobatга олиб, махсус шароитларни танлаш орқали хато миқдори минимум даражасига кискартириш мумкин. Минимум хатога эга бўлган натижани олиш шароит танлаш, эҳтимоллар назарияси, хатолар ва математик статистика назариялари принциплари асосида амалга оширилиши мумкин.

Сурункали хатолар эса таҳлил натижасини фақат ортиш ёки фақат камайиш тарафига аниқлигини бузади. Бу хатолар намуна ажратиш ускуналарининг номукамаллиги ёки тадқиқот усулидан чекланишлар йўл қўйилиши натижасида, доимий равишда вужудга келади.

Таянч сўз ва иборалар:

Мойлар, оптимал бошқариш, илмий тадқиқот, мойли хомашёлар, кимёвий таркиб, липидлар кимёси, фармацевтика, озик-овқат саноати, кислота сони, ранглилиги, гидрогенизация, эриш ва қотиш, ўртача намуна, таҳлил, физик ҳолати

Такрорлаш учун саволлар:

1. Фаннинг мақсади ва аҳамияти нимада?
2. Ўртача намунанинг аҳамияти нимада?
3. Ўртача намуна олиш босқичларини айтинг.
4. Тасдиқий хатонинг натижага таъсири қандай?
5. Таҳлилга тайёрлаш босқичларини айтинг.

2-МАЪРУЗА

АФФИН ХРОМАТОГРАФИЯ УСУЛИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

2.1. Хроматографиянинг қисқача ривожланиш тарихи. Хроматографлар адсорбентлари.

2.2. Аффинли хроматография. Аффин лигандлари турлари. Аффинли хроматографияда умумий техник талаблар.

2.1. Хроматографиянинг қисқача ривожланиш тарихи.

Хроматография замонавий физик-кимёвий тадқиқот усули бўлиб, таркиби маълум ва хусусияти бир-бирига жуда яқин бўлган турли моддаларнинг мураккаб аралашмасидаги моддаларни бир-бирдан ажратиб, аниқлаб, уларнинг миқдори ва нисбатини таҳлил қилиш имкониятини беради. Хроматография латинча «хромос» - ранг ва «графо» - ёзмақ сўзларидан ташкил топган. Биринчи марта 1903 йили рус олими М.С.Цвет томонидан ўсимлик пигментларини адсорбцияланиш қобилиятига қўра ажратишда янги тадқиқот усули қўлланиб, усулнинг асосий принципи ҳамда техникаси тавсия қилинган ва «хроматография» деб номланган. Дастлаб хроматография фақат рангли сифар реакцияларига асосланган ва моддалар таркибининг аниқлаш имкониятини берадиган кимёвий усуллар жумласига кирган. (Қозғоли хроматография, юпқа катламли хроматография, колонкали хроматография) Бу усуллар билан бакалавриатурада танишилган. Ҳозирги вақтда бу усул ҳам рангли, ҳам рангсиз моддалар таҳлилида қўллansa ҳам, унинг бирламчи номи сақланиб келмоқда.

Газ-хроматографияси, газсуюқлик-хроматографияси ёки суюқлик хроматографиясида хроматографларнинг турли конструкция ва моделлари ишлатилади. Бу жиҳозлар такомиллаштирилиб хроматограф колонкалари ва детекторларнинг ўта сезгир конструкциялари, полимер ғовақ адсорбентларнинг турлари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Замонавий хроматографиянинг ўз навбатида ҳар хил турлари мавжуд. Масалан, адсорбцион-молекуляр хроматография, колонкали хроматография, газ-суюқлик хроматография ва ҳоказо. Бу усулларнинг бир-бирдан фарқи

шундаки, айримлари моддаларнинг фақат физик ёки кимёвий ёки физик-кимёвий хоссаларига асосланган бўлса, бошқалари қўлланиладиган ускуна ва жихозлари ёки техник воситалари билан ажралиб туради. Чунки, ўрганиладиган махсулот турига кўра хроматографиянинг маълум тури қўлланилади.

Соха йўналишига мувофиқ, биз мойли уруғлар ва мойлар таркибини ўрганиш мақсадида кўп қўлланиладиган хроматографик усуллар билан танишамиз. Мойлар тадқиқотида хроматография липидларни глицеридларга ва йўлдош моддаларга ажратишда; глицеридларни тўйинмаганлик даражаси ва молекула оғирлигига кўра ажратишда; ёғ кислоталарни миқдор ва сифат жиҳатдан ажратишда; мураккаб ёғли аралашмалардан оксидланиш ва сополимеризацияланиш махсулотларини ажратишда, ҳамда шу моддаларни гуруҳларга бўлишда; стеролларни, каратинондларни, фосфатидларни ажратишда; аминокислоталарни, кантларни ва бошқа моддаларни ажратиш ва аниқлашда айниқса кенг қўлланилади.

Табиатига кўра хроматография динамик сорбцион жараён бўлиб, гетероген системанинг таъсирланувчи фазалари ҳаракатига нисбатан йўналгандир. Хроматография сорбция-десорбция жараёнларининг кўп марта қайтарилиши ва ионалмашиниш ёки моддаларнинг гетероген системадаги иккита ўзаро таъсирланувчи фазалари орасидаги қайта тақсимланиши билан характерланади.

Таъсир килувчи сорбцияловчи кучларнинг табиатига кўра хроматография куйидаги икки турга бўлинади: молекуляр ва хемосорбцион. Молекуляр хроматографияга адсорбцион ва тақсимловчи хроматография усуллари киради. Адсорбцион ва тақсимловчи хроматографияларда молекулалараро боғлар кучлари таъсир килиб, моддаларнинг таъсирланувчи фазалар орасидаги тақсимланиш характери шу кучлар энергиясига боғлиқ. Хемосорбцион хроматографияга эса ионалмашиниш ва чўкмага тушириш хроматография усуллари киради. Бу усулларда моддаларнинг тақсимланишига кимёвий боғлар кучлари таъсир килади.

Ундан ташқари хроматография усуллари хроматограммани ҳосил қилиш техникасига кўра қуйидаги учта тадқиқот услубиятига бўлинади: фронтал таҳлил, элюитив таҳлил ва сиқиб чиқарувчи таҳлил.

Фронтал таҳлилда тадқиқот қилинаётган эритма сорбентли колонка орқали филтрланиб, бунда бирламчи ёки фронтал хроматограмма олинади.

Элюитив (ювиб чиқарувчи) таҳлил услуби энг кенг тарқалган хроматография усули бўлиб, бунда, таҳлил қилинаётган аралашма эритмаси сорбентнинг юқори қисмига берилиб, сўнгра колонка орқали тоза эритувчи ўтказилиб, аралашманинг айрим компонентлари ювиб чиқарилади.

Сиқиб чиқарувчи таҳлил эса, колонка орқали, ажратилаётган аралашманинг бошқа компонентларига нисбатан, кучлироқ сорбцияланувчи моддали эритмани ўтказишга асосланган. Натижада аралашманинг десорбцияланган компонентлари колонкадан сиқиб чиқарувчи фронтдан олдин чиқадилар.

Булардан ташқари хроматография усулларида ишлатиладиган сорбентларнинг турига қараб классификациялаш ҳам кенг тарқалган. Масалан, коғозли, юпка қатламли, газ-суюқлиги ва хоказо.

Хроматографиялаш жараёнини таърифловчи қонуниятларнинг умумий ҳулосаси шундаки, сорбцияланиш жараёнларида мувозанат турли табиатга эга бўлган кучларнинг бир вақтдаги таъсири туфайли амалга ошади. Шунинг учун хроматографияни таъсир қилувчи кучлар характерига кўра бўлиш ниҳоятда шартли бўлиб, бунда барча кучлардан энг кўп таъсир этувчи кучга асосланилган.

Ёғлар қимёсида юқорида кўриб чиқилган хроматография усулларидан энг кўп ишлатиладиганлари: адсорбцион, тақсимловчи ва ионалмашинув усуллари. Юпкақатламли хроматография тақсимловчи ёки адсорбцион услубларда ишлатилади.

Маълумки, хроматографиянинг туридан қатъий назар моддалар аралашмасини компонентларга ажратиш учун адсорбентлардан фойдаланилади. Ҳовак адсорбентларни яратиш билан бир вақтда унинг юзасида ҳаракатсиз,

адсорбцияланган ҳолатда турувчи харакатсиз суюқ фазани қўллаш имкониятлари ўрганилиб, аффин ёки биоаффин деб номланувчи хроматографик усул ҳам ишлаб чиқилди.

2.2. Аффинли хроматография. Аффин лигандлари турлари. Аффинли хроматографияда умумий техник талаблар

Аффинли хроматография усули ўзига хос бўлиб, биологик актив моддаларни ажратиб олишга мўлжалланган. Бу усул ўзига хос фақат биологик хусусиятига асосланган ҳолда бириктириш имкониятини берувчи “аффинатлар” ёки “аффин лигандлари” номи билан юритилувчи моддаларни қўллашга асосланган. Ҳозирги вақтда эримайдиغان аффин сорбертларини тайёрлашнинг кенг тарқалган усули уларни қаттиқ сорбент юзасига ковалент боғи билан боғлаб тайёрлашдир. Агар биологик актив моддаси бўлган аралашма аффин лигандли қаттиқ сорбент орқали филтрланса, айнан шу лигандга мойил бўлмаган моддалар филтрдан қаршиликсиз ўтиб кетади. Лигандга мойил яъни у билан боғланган моддалар колонкада ушланиб қолади. Ушланишнинг мустаҳкамлик даражаси аффин лиганд ва ажратилаётган модданинг бир-бирига мойиллик даражаси айна тажрибанинг шароитларига боғлиқ. Ўзига хос сорбцияланган моддалар сорбентдан эрувчан аффин лиганд ёки эритувчи таркибини ўзгартириб эритилиб, ўзига хос комплексни диссоциациялаб ажратиб олинади.

Аффинли хроматография усули ферментларни ажратиб олишда ишлатилиб, бунда аффин лигандлари сифатида шу ферментларнинг ингибиторлари ёки субстратлари ишлатилади. Ковалент боғланган ферментлар эса ингибиторларни ажратиб олишда қўлланилади. Махсус аффин лигандлари ёрдамида эса нуклеин кислоталарни, транспорт оксилларини, гормонларни ва бошқа бирикмаларни ҳам ажратиб олиш мумкин. Аффин хроматографиясини бажариш шароитлари ажратиб олиниши керак бўлган бирикмалар табиатига боғлиқ. Бироқ, қаттиқ тутувчи фаза хусусиятларига, аффин лигандининг турини танлашга ва уни қаттиқ фаза билан боғланишига, адсорбциялаш ва эритиб олиш каби жараёнларга бир қанча умумий талаблар мавжуд. Жумладан, қаттиқ

тутувчи фазани тўғри танлаш аффин хроматографиясини аниқ бажаришнинг муҳим шартларидан биридир. Идеал каттик тутувчи фаза кераксиз сорбцияланиши содир бўлмаслиги учун аввалом бор у ажратилаётган бирикмаларга нисбатан мутлақо нейтрал бўлиши керак. Бундай каттик фазаларга бир қанча фирмалар (Pharmacia Fine Chemicals AB /Швеция/) томонидан ишлаб чиқариладиган нейтрал полимерлардан сферозаларни (6В, 4В ва 2В маркалари) мисол қилиш мумкин. Сфероза-6В молекуляр массаси $10^5 - 10^6$ бўлган моддаларни; сфероза-4В молекуляр массаси $3 \cdot 10^5 - 3 \cdot 10^6$ бўлган моддаларни; сфероза-2В молекуляр массаси $2 \cdot 10^6 - 25 \cdot 10^6$ бўлган моддаларни фракциялаш учун ишлатилади. Сферозалар номланишидаги 6,4,2 рақамлари улар таркибидаги агарозанинг концентрациясини кўрсатади. “Биогель –А” деб номланган каттик фаза агарозанинг sanoatдаги номи бўлиб, уни Bio-Rad (Ричмонд, Калифорния) фирмаси бир неча хил концентрацияли, гранулалар кўринишида ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқарувчи фирма кўратишича биогеллар рН 1-10 муҳитда турғун ишлайди. рН 10 дан юқори муҳитда структурасидаги амид гуруҳлари гидролизланиши мумкин. Биогель кучли оксидловчиларга чидамсиз бўлиб, аксинча барча оддий эритувчиларда турғун ишлайди. Гелларнинг хроматографияда қўлланилиши тадқиқотчилар тилида “гелли хроматография” номини ҳам келтириб чиқарган.

Шу билан бирга тутувчи каттик фазалар якши гидродинамик (суюклик оқимиغا минимал қаршилик кўрсатиш) хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятларни аффин лиганди бириктирилгандан сўнг ҳам сақлаб қолиши керак. Аффин лигандини якши бириктириши учун каттик фазада етабли даражада кимёвий гуруҳлар бўлиши керак. Каттик тутувчи фаза мустаҳкамлиги ва кимёвий тургинлигини аффин лигандини бириктириш, муҳит ўзгариши, ион кучлари ва ҳарорат ўзгариши, ҳамда ажратилаётган моддани адсорбциялаш ёки эритиб олиш учун ишлатилиши мумкин бўлган турли денатурацияловчи агентлар таъсирида ҳам сақлаб қолиши керак. Каттик тутувчи фазанинг говаклилиги юқори даражада бўлиб, хатто катта молекулаларни ҳам говақларга

диффузияланишини таъминлаши керак. Каттик тутувчи фазанинг заррачалари сферасимон, бир хил ўлчамли ва мустахкам бўлиши керак.

Хроматографияни муваффақиятли ўтказиш аффин лиганди хусусиятлари ва унинг каттик фаза юзасига бириктириш шароитларига ҳам боғлиқ. Хусусан, аффин лигандлари сифатида ажратилаётган модда билан ўзига хос мустахкам бирикиб, уни тўхтата оладиган ва эритувчи таъсирида модданини қўйиб юборадиган турли бирикмалар қўлланилиш мумкин. Ажратилаётган бирикма аффин лигандига осон кириши учун, лиганднинг каттик тутувчи фаза юзасидаги концентрацияси юкори бўлиши керак. Каттик тутувчи фаза юзасига берилган ва у билан ковалент боғ хосил қилиб бирикмаган аффин лигандлари юзадан тўлиқ ювиб ташланиши керак. Бунда аффин лиганди ароматик бирикмалар жумласидан бўлса уни ювиб ташлаш учун, каттик тутувчи фазага таъсир қилмайдиган, органик эритувчилар, агар оқсиллар бўлса денатурацияловчи агентлар қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, макроговакли полимер каттик тутувчи фазалар яратилиши билан аффин хроматографияси ривожланиб илмий тадқиқот ишларида кенг қўлланила бошлади.

Таянч сўз ва иборалар.

Хроматография, коғозли хроматография, юпка катламли хроматография, колонкали хроматография, газ-хроматографияси, газсуюклик-хроматографияси, хроматограф колонкалари, детекторлар, адсорбент, молекуляр ва хемосорбцион, элютив, аффин хроматография, биоаффин хроматография, аффин лигандалари.

Назорат учун саволлар:

1. Хроматографиянинг тарихи.
2. Хроматографлар адсорбентларидан қандайларини биласиз ?
3. Аффинли хроматография деганда нимани тушунасиз ?
4. Аффин лигандлари нималардан иборат?
5. Аффинли хроматография техник талаблари қандай ?

3-МАЪРУЗА

ГАЗЛИ ХРОМАТОГРАФЛАР ТАРКИБИЙ ЖИҲОЗЛАРИ

РЕЖА:

Газли хроматографлар таркибий жиҳозлари. Ташувчи-газлар.

Намунани киритиш мосламаси. Термостатлар.

Газ хроматографлари колонкалари.

Детекторларининг турлари.

1.1. Газли хроматографлар таркибий жиҳозлари. Ташувчи-газлар.

Бакалавриатурада газ-суюклик хроматографияси билан умумий танишилган эди. Бу маърузада мавзу чуқурлаштирилиб, ҳар бир мосламанинг тузилиши ва жиҳозларнинг замонавий такомиллаштирилган турлари кўриб чиқилади.

Газли хроматографлар конструкциялари принципи, хроматография тизими туридан қатъий назар, нисбатан содда бўлиб, асосан бу тизимга бир хил жиҳозлар киради. Булар: ташувчи-газ манбайи, газ йўналиши ва сарфининг ростлагичи, намунани киритиш мосламаси, хроматография колонкалари, детектор, термостат ва хатловчи қўрилма.

Ташувчи-газлар ҳаракатланувчи фаза вазифасини бажариб детектор туридан келиб чиққан ҳолда танланади. Бу газлар азот, электролитик водород, гелий, аргон бўлиши мумкин. Ҳар бир газни қўллашнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, азотнинг афзалликлари арзон, тозаланиши осон, қўлланилиши хавфсиз, нисбатан юқори молекуляр массали эканлиги бўлса, камчиликлари паст иссиқлик узатувчанлигидир; электролитик водороднинг афзалликлари – юқори иссиқлик узатувчанлиги, паст ковушқоклиги, арзонлиги бўлса, камчиликлари – ажратилаётган моддаларнинг сезиларли диффузияланиши, портлаш хавфлигидир; гелийнинг афзалликлари – водородникига ўхшаш бўлса, камчилиги нархнинг баландлигидир; аргон доимий ионлаш манбайи бўлган ионизацияланувчи детекторлар учун унинг қўлланилиши муҳим бўлиб, нисбатан арзон ва осон тозаланади. Ташувчи-газларни совутиладиган

молекуляр элакли трубкалардан ўтказиш йўли билан тозалаш тавсия қилинади. Хроматографнинг тўғри ишлаши учун ташувчи-газ колонка ва детектодан бир хил тезликда ўтиши керак. Бунинг учун тезлик ростлагичлар қўлланилади. Бу тезликлар орасидаги фарк талабларга кўра $\pm 1\%$ дан ошмаслиги керак. Колдонкадан чиқаётган газлар аралашмаси детекторга келади ва унинг сигнали ёзувчи қурилмада қоғозга туширилади

Намунани киритиш мосламаси. Термостатлар.

Намунани киритиш мосламаси ташувчи-газ берилган хисм билан кетма-кет жойлашади. Намунани киритиш усули шу намунанинг агрегат ҳолатига боғлиқ. Намунани колонкага киритишнинг умумий талаблари қуйидагича: кам миқдорда буглатилган намуна дархол колонканинг бошланиш қисмига ўтказилиши керак; намуна киритиш вақтида колонкада мувозанат йўқотилмаслиги керак; намуна ва таҳлил қилиш услубияти аниқ қайтарилувчан бўлиши керак. Газсимон намуналар айланма пипетка ёки охириги вақтларда турли ҳажмдаги намуналар учун турли тизимлар краңлари қўлланилмоқда. Суюқ ҳолатдаги намуналар асосан микрошприцлар ёрдамида резинали тиркишдан махсус иситиладиган мослама орқали колонкага ўтади. Ташувчи-газ оқимида бир неча микролитр намуна киритилисада колонкага унинг бир қисми (бу қисм ҳажми ташувчи-газ берувчи трубка ва колонка қирқими юзалари нисбатига боғлиқ) ўтиб, кўп қисми эса атмосферага чиқариб юборилади. Замонавий стандарт таҳлиллар учун ишлатиладиган хроматографларда намунани автоматик тарзда меъёрловчи мосламалар қўлланилган.

1.3. Газ хроматографлари колонкалари

Хроматография колонкалари – хроматографларнинг “юрағи” ҳисобланиб, унда моддаларни бир-биридан ажратиш жараёни боради. Колонкалар конструкциялари нисбатан содда бўлиб, турли хроматографларда шишали, темирли, полиэтиленли, тефлонли ва айрим ҳолларда мисли бўлиши мумкин.

Шишали колонкалар тўлдирилиши қулайлиги афзаллигидир.

Тефлонли колонкалар шиша ва металл колонкаларни ишлатиб бўлмайдиган, олтингугуртли органик бирикмаларни таҳлил қилишда ишлатилади.

Мисли колонкаларни имкониятлари унинг каталитик актив хусусияти туфайли чегараланган. Колонкалар шакли ва ўлчамлари термостат ўлчамларига боғлиқдир. Колонкалар тўғри, спиралсимон ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Газ-адсорбцион хроматографияда қўлланиладиган капилляр колонкалар диаметри ўлчами 0,1–0,3 мм дан ошмайди.


Термостатлар ажратилаётган моддаларнинг колонкадаги ҳаракатланишига ҳароратга боғлиқ бўлгани, маълум вақт чегарасида ўтказилиши учун колонкада белгиланган ҳарорат ушлаб турилиши керак. Турли хроматографларда ҳароратлар интервали суюқ азотнинг бугланиш ҳароратидан $+400^{\circ}\text{C}$ ва ундан ҳам юқори бўлиши таҳлил қилинаётган моддалар табиати ва хроматограф конструкциясига боғлиқ. Танланган ҳарорат $\pm 0,1^{\circ}\text{C}$ аниқликда ушлаб турилиши керак. Замонавий термостатлар ҳароратни айнан шундай аниқликда ушлаб туриш имкониятига эгадир. Хроматографлар термостатлари ҳаво иситкичлари ва вентиляторларига эга. Бундай термостатлар юқори ҳароратладаги ўта сезгирлиги билан ажралиб туради.

Детекторлар хроматографик ажратиш натижаларини хатловчи қўрилманинг ёзиши учун қулай шаклга (қўринишга) келтириб берувчи ускунадир. Масалан, массага сезгир детекторларда сигнал катталиги вақт бирлигида детектордан ўтган моддалар массасига пропорционал бўлиб, компонентнинг ташувчи-газдаги концентрациясига боғлиқ эмас. Ишлаш принципига кўра хроматографик детекторларнинг турлари кўп бўлганлиги сабабли уларни ўзаро солиштириш қийин. Бирок бир нечта умумий катталиқлар ва хусусиятлар мавжуд бўлиб, булар селективлиги, сезгирлиги, реакцияси, шовқини, аниқланиши мумкин бўлган энг кам модда микдори каби кўрсаткичларидир. Айнан шу кўрсаткичлар детекторлар сифатини баҳолашда қўлланилади.

1.4. Хроматографлар детекторларининг турлари

Хроматографик детекторлар конструкцияси принципига кўра иссиқлик узатувчи детекторлар (катарометрлар), газ зичлигини ўлчашга асосланган (Мартин тарозлари) детекторлар, ионловчи детекторлар ва алангали-ионловчи детекторлар ва гелли детекторларга ажратилиши мумкин.

Катарометр – детекторларнинг ишлаш принципи қуйидагича: исситилган жисмнинг ўраб турувчи газ муҳитига ажратадиган иссиқлигининг миқдори газли муҳит таркибига боғлиқ. Шунинг учун канча иссиқлик (ток кучи) берилганлигини билган ҳолда, газ таркиби хақида фикр билдириш мумкин. Катарометрлар газли хроматографияда энг кўп қўлланиладиган детекторлар ҳисобланади. Қуйида катарометрнинг схемаси келтирилди.




Расм. Катарометр схемаси

1- колонкадан газнинг кириши, 2- газнинг атмосферага чиқоши; 3- эл. қаршилик спирали; 4- электр изолятор; 5- темирли блок.

Темир блок (5) ичига жойланган электр спирал (3) орқали доимий ток ўтиши ҳисобига у қизийди. Тоza ва доимий тезликда қираётган газ таъсирида спирал доимий катталикда иссиқлик йўқотада ва мувозанатга эришилгандан сўнг спиралнинг ҳарорати ўзгармас бўлиб қолади. Бироқ, газ таркиби ўзгарса, масалан колонкада ажратилган модда буғлари ҳисобига, спирал ҳарорати ҳам ўзгариб, натижада спиралнинг электр қаршилиги ҳам ўзгаради. Бу ўзгарниш (ток кучининг ўзгариши) ўлчаниб, чиқиш сигнаliga айлантйрилади. Катарометр спираллари юқори термин коэффициентга эга бўлган ва кимёвий коррозияга чидамли бўлган платина, вольфрам ёки уларнинг қотишмаларидан ва

никельдан тайёрланади. Айрим хроматографларда бу спирал ўта сезгир, бироқ фақат паст ҳароратларда ишлаши мумкин бўлган термисторлар билан алмаштирилган. Катарометр – детектор сезгирлигига асосий иккита омил таъсир қилиши мумкин. Биринчидан, ток кучини ошириш, чиқувчи сигнални кучайтиради, иккинчидан, ишлатиладиган ташувчи-газ имкони борича максимал иссиқлик узатувчи газ бўлиши керак. Бунда энг яхши ташувчи газлар водород ва гелий ҳисобланиб, уларнинг ишлатилиши детекторнинг сезгирлик даражасини оширади.

Мартин тарозлари – детекторларнинг бир тури бўлиб, унда газ зичлиги ўлчанади. Бу детектор газ-хроматографда қўллаш учун энг қулай ҳисобланади. Чунки, биринчидан, бу детекторда намуна киздириш элементларига тегмайди; иккинчидан, ташувчи-газ сифатида энг арзон газларни ишлатиш мумкин (CO_2 , Ar , N_2) ва ниҳоят, детектор имкониятларинамунани парчаламайди. Қуйида Gow-Mac Instrument Inc. Фирмасида ишлаб чиқарилган соддалаштирилган Мартин тарозлари – детектори моделининг схемаси келтирилган.




Расм. Мартин тарозлари – детектори

1-ташувчи-газнинг кириши; 2-газнинг колонкадан кириши; 3-газнинг атмосферага чиқиши;
4,5-қаршиликлар

Бу схема бўйича тоза ташувчи-газ детекторга (1) тикишдан киради. Колонкадан чиқаётган газ эса (2) тиркишдан кириб, аралашма детектордан (3) тиркиш орқали чиқади. Қаршилиқни ўлчовчи элементлар (4,5) тоза газ оқимида ўрнатилган бўлиб, Уитсон кўприкчаси билан уланган. Агар колонкадан чиқаётган газнинг зичлиги тоза ташувчи-газ зичлигига тенг бўлса, иккала елка

мувозанатда бўлади. Бирок, колонкадан чиққан газ зичлиги тоза газга нисбатан ошиқ бўлса, зичроқ газ пастки йўналиш бўйича бориб, 1-5 бўйича тоза газ окими камайиб, мувозанат бузилади. Детекторнинг сезгирлиги ташувчи-газ ва тахлил қилинаётган компонент зичликлари орасидаги фарқга боғлиқ. Водород ва гелий ташувчи-газ сифатида ишлатиш учун ноқулайдир.

Ионловчи детектоплаяда газнинг таркибидаги зарядланган заррачаларга пропорционал бўлган электрўтказувчанлигидан фойдаланилади. Қуйида ионловчи детекторнинг (ионловчи мослама схемада кўрсатилмаган) схемаси келтирилган.




Расм. Ионловчи детектор схемаси.

1- ионлаш манбайи; 2-электродлар орасидаги мухит; 3-электромтр; 4-ўзи ёзиш мосламаси; 5-ионлаш кучланиши манбайи; 6-мувозанатловчи потенциал манбайи; E_0 - ўлчанадиган кучланиш; R_1 - мухитнинг электр қаршилиги; R_2 - ўлчанадиган қаршилик.

Хроматограф колонкасида чикаётган газларнинг айрим молекулалари ионлаш манбайидан ўтиб ионланади ва сўнгра электродлар орасидаги мухитдан ўтади. Газ таркибида зарядланган ионлар (заррачалар) бўлганлиги учун электродлар орасида ток хосил бўлади. R_1 да кучланишнинг ўзгариши R_2 да ҳам кучланишнинг ўзгаришга олиб келади. Кучланишнинг бу ўзгариши электромтрда кучайтирилиб, ўзи ёзиш мосламасида хатланади. Электродлар орасидаги мухитни қаршилик сифатида қабул қилиб, унинг катталиги зарядланган заррачалар миқдориға боғлиқ. Агар детектордан тоза газ ўтса, зарядланган заррачалар концентрацияси доимий бўлиб, R_1 дан ўтаётган ток ток ҳам ўзгармайди. Бирок, детектордан тахлил қилинаётган модда ўтса,

зарядланган (ионланган) заррачалар концентрацияси кўпайиб, ток миқдори ҳамда сигнал ортади ва бу ўзгариш хроматограммада чизилган чўкки куринишида хатланади.

Алангали-ионловчи детекторнинг принципиал схемаси қуйидаги расмда келтирилган. Схема бўйича хроматограф колонкасида чикаётган газ водород билан аралашиб детекторнинг ёқиш форсункасига келади. Аланганда хосил бўладиган ионланган заррачалар электродлар орасидаги мухитни тўлдирганлиги сабабли ток кучаяди. Алангали-ионловчи детектор деярли барча бирикмаларга таъсирланади. Бу детекторнинг ишлаш сифатига газларнинг тўғри танланган оқимига боғлиқ. Асосан ташувчи-газ оқими тезлиги 30-50мл/мин ни ташкил этганда детекторнинг энг яхши сезгирлиги ва доимийлигига эришилади



Расм. Алангали-ионловчи детектор схемаси.

1- водороднинг кўриши; 2- колонкадан газнинг кириши; 3-хавонинг кириши; 4- атмосферага чиқиши; 5- катод; 6- тўпловчи электрод.

Бунда водород оқими тезлиги 30мл/мин ва хаво оқими тезлиги 300-500 мл/мин. Ўта сезгир бўлганлиги учун алангали-ионловчи детектор жуда оз миқдордаги моддаларни аниқлаш учун қулай ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар.

Газли хроматографлар, хроматография тизими, жихозлар, ташувчи-газ манбайи, газ йўналиши, сарфининг ростлагичи, хроматография колонкалари, детектор, термостат, хатловчи қўрилма.

Назорат учун саволлар:

1. Хроматографлар таркибий жихозлари.
2. Ташувчи-газлар.
3. Намунани киритиш мосламаси.
4. Термостатлар.
5. Газ хроматографлари колонкалари
6. Хроматографлар детекторлари.

4-МАЪРУЗА

ҲАРОРАТИ ПРОГРАММАЛАШТИРИЛГАН ХРОМАТОГРАФЛАР


РЕЖА:

- 4.1. Хроматографлар моделлари
- 4.2. 2010 Газли хроматографияси таҳлили

4.1. Хроматографлар моделлари

Замонавий японияда ишлаб чиқилган хроматографлар моделлари имкониятлари билан таништириш

GC-2010



Революционера E³ лойихасигазли хроматографиянингянгиюз йилликасрига
одимлаб бормоқда

4.2. 2010 Газли хроматографияси таҳлили

Иқтисодий кўрсаткичи. 2010 Газли хроматографияси таҳлилнинг
эффektivлиги, тезкорлиги ва вақтнинг йўқотилишининг камайганлиги ваюқори
аникликдаги унумдоргикталабларига жавоб беради.

2010 Газли хроматографияси таҳлил қилиш тезлигини, Shimadzu AFC
учинчи авлоди (оқимнинг йўналтирилган назорати) майдалашга нисбатан
юқори босим ва юқори ҳаракат билан уйғунлашган вамаълумотларни максимум
даражада 4 мс (миллисекунд) тезкорлик билан олинishi билан изохланади.

Диагностика функциясининг ўзи барча вақтда ҳам системани оптимал
шароитда ушлаб туришда профилактик ишлашга ёрдам беради.


Ўз ўзидан диагностика қилиш натижалари автоматлаштирилганиш жойигажойлаштирилган, ва системанибошқаришда маълумотлар учун фойдаланиш мумкин.

Тезкор таҳлил ва Ўз ўзидан диагностика қилиш газли хроматография таъсирини ваунинг максимал ишлашини таъминлайди.

Ютуқлари. Газли хроматографларнинг қаерда ишлатилиши шартлигидан катъий назар, нефт саноати, озик-овқат саноати ва фармотефтика саноати бўладими, у ердаги текширишбўлими ёки изланиш бўлиמידан олинган маълумотларни барчаталабларга жавоб бериши учун 2010 Газли хроматографлар мустахкам иш ва GLP/GMP куллаб қувватловчи GLP/GMP киритилган холдатурли функцияларга, эга.

Енгил. 2010 Газли хроматографлар ЖКД (Gwindow). Нинг каттакўриниши билан жиҳозланган. Gwindowхроматограф статусини хроматограммас ингари тезкор назоратини кўрсатади.

VP Series



HPLC, ҳеч шубҳасиз барча лабораториялардаги аналитик усулларга нисбатан энг танилган вауниверсал бўлиш учун илгари бормоқда.

ShimadzuHPLCстўлик ечишгатавсия зади. Биз барчакомпонентларни кучимиз борицабирлаштиришимиз (комбнниялаш) мумкин эмас. Барча компотентлар Shimadzu, томонидан бирлашган система сифатида ишлаши учун ишлаб чиқилиб тайёрланган.


Shimadzu HPLC компонентлари узок муддат ишлаш репутацияси, аниқлиги ва ҳеч қандай ёрдамсиз ишлаш имкониятига эга.

Ҳар бир система модулининг лойиҳасининг яхшилиги VP бир бутун катори учун ишончли ишлаши билан тугатилади.

Лойиҳа бевосита таҳлилларнинг ишончилиги ва унумдорликнинг ошишига ёрдам беради. Система таъсирининг барча тармоқларида, VP каторининг ишончли ишлаши натижасида янги даражага ортмоқда.

Типовой Инъекция SIL-10ADvp автоматлаштирилган автоинжектор обеспечивает от 0.1µL-500µL* гача юкори унумдорлик ва чизиклик билан, паст намуна билан киритилган типовой инъекция билан таъминлайди. (*with қўшимча илгак)

Gas Chromatograph Mass Spectrometer GCMS-QP2010



Яхши GCMS • Қўриш сезгирлиги 1 pg OFN учун 60/1

- Тез таъсир этувчи GCMS дан ҳам ўзади.
- 20 Ҳарорат Скاتлари {Буйств} ва патентлаштирилганлиги оптимал ажратиш учун Доимий чизикли тезлик.
- Эгилувчанлик учун тўғридан-тўғри ишлатиш ва энгил ишлаш учун кулайлиги.
- 4 минутдан кам бўлмаган насос билан киритилади ва қириш 15 mL/min гача ионманбаъси га оқиб тушади.

QP2010 барча GCMS ўлчовлари учун оптимал таҳлил ишини амалга оширишга ёрдам беради. Тез таъсир этувчи GCMS ҳар бир QP2010 бўйича стандартларни оптимал равишда тақсимлаш хусусиятига эга. Бизнинг

программа билан таъминланган GCMS мизлаборатория ишларини ечишда бошқа хил буюмга нисбатан барча намуналарни қаровсиз қолганда ҳам кўпроқ таҳлил қилиш имкониятига эга.

Системанинг уникал текшируви QP2010 ва 2010 газли хроматографларни идеал ишлашини текшириб, ишлаш анаъналарини давом эттиради ва Shimadzu сотув маркасининг ишлатилиш қулайликларига эга.

QP2010 бир секундда 50 та намунани текшириш тезлигини таъминлайди. Бу илгари зришилмаган маълумотлар сифати билан унинг унумдорлигини яхшилаш учун микросколарнинг энг янги колонкаларини ишлатишга имкон беради.

Типовой программалаштирилган таъминотни ташкил этиш билан навбэтдаги минглаб намуналар аператорлар ёрдамисиз бошқарилиши мумкин. AOC-20 ва AOC-5000 авто намуналар кўп таҳлил усулларида ёрдам беради: Бевосита инъекция 1.5 мл дан ёки 4 mL PTV/LVI колонкасидаги (программалаштирилган хароратли бугланиш /ҳажмининг катта инъекцияси) Микро ажратишнинг қаттик босқичи, атроф, микротитрга ўхшаши сик headspace пластина асосидаги таҳлил. С 20 хароратли скат билан ва доимий чизикли тезлик билан , 2010 – газли хроматограф ажратишнинг тугал газли хроматографик система. Ушлаб қолиш; чизикли тезликни ўқиш, барча харорат профилларини доимий поперегни назарийлини яхшилаш балан бирга хақиқий ажратилишга мойиллигини таъминлайди.

QP2010 ион манбаъига олдинги кириш имкони бор. Йўналтирувчи Shimadzu юкори даражадаги сифатга ва ишлатилиш қулайлигига эга. Янгилиги Шимадзу QP2010 билан давом этади ва линзаларни аниқлиги ва ионларни қайта лоихалаштирилган оптикасидан иборат бўлиб, барча матрицаларда яхши бажарилиш ва узок муддат ишлаши билан яқунланади.

GCMS-QP2010 Спецификацияси: Спектрометрнинг масса бирлиги числа 1.5 m/z к 1024 m/z бирликларнинг массовий чегараси. R> 2M Ечими Кўриш меъёри 10,000 ш/с мин. СИМ 64 каналнингх 64 гуруҳи(Макс). Иплар - икки кават иплар

Сезгирлиги: Ионлаш усуллари кўрсатувларнинг электрон обработкиси

Кўриш | pg SN> 60 OFN m/z=272

СИМ 100fg SN> 60 OFN m/z=272

Эвакуация системаси: Насос турлари. Ион манбаи молекуляр турбо насос 260 L/s билан насосли разряд. Тўртполюсниклар молекуляр турбо насос 65 L/s билан насос разряд

Тахлил датчиклари бирлиги: Массавий фильтрюкори аниқликдаги олд прутли тўртполюсниклар

Газовый хроматограф: Бирлиги Ахлат Йиғиш 2010 Шимадзу Ахлат Йиғиш
Программна билан таъминланганлик: Кўришларнинг ўлчаш усуллари СИМ 64 каналх 64 гуруҳлар. Тахлил натижалари сифат текширувлари, микдор текширувлари. Libraries*2 NIST, WILEY, ПРЕПАРАТ {НАРКОТИК}, VOC, Пестицидлар (EI/NCI). Калибровка каш 1000 максималъных составда эгилди ов, 64 сатх. Гурухлаш. Андi (AIA) маълумотларини жамлаш, ASCII маълумотларини жамлаш quantitation. Сифат текшириуви юборди /кайтга тиклаш баҳосини яқунлайди, дeградацияни текшириш, намуна ва бошқаларни спектрал текшириш.

Таянч сўз ва иборалар:

2010 Газли хроматографияси, тахлилнинг эффективлиги, Shimadzu AFC учинчи авлоди, диогностика функцияси, тезкор тахлил, GLP/GMP, типовой инъекция.

Назорат учун саволлар:

1. 2010 Газли хроматографияси тахлили кайдай амалга оширилади?
2. Типовой инъекция деганда нимани тушунаси?
3. GCMS-QP2010 Спецификациясинималардан иборат?
4. Shimadzu HPLC компонентларининг имкониятлари кандай?
5. AOC-20 ва AOC-5000 автономналарнинг вазифаси нималардан иборат?

5-МАЪРУЗА

ГАЗ ХРОМАТОГРАФЛАРИНИНГ БОШҚА ТАДҚИҚОТ ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИЛИШИ

РЕЖА:

5.1. Хроматографларнинг тузилиши ва ишлаш принципи

5.2. Моддаларни идентификациялаш.

5.3. Газ-хроматографларнинг масс-спектрометрлар билан қўшилиши.

5.4. Хроматографларнинг масс-спектрометрлар билан уловчи мосламалари.


5.1. Хроматографларнинг тузилиши ва ишлаш принципи

1952 йилда ишлаб чиқилган газ-суюқлик хроматография усули кейинги вақтда липидлар тадқиқотида кенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби бу усул мураккаб таркибли бир-бирига яқин хусусиятли компонентлардан ташкил топган аралашмалар таркибидаги моддаларни яхши ажратиш ва уларни аниқ миқдор нисбатини аниқлаш имкониятига эга.

Газ-суюқлик хроматографиясининг бошқа таксимловчи хроматография усулларида асосий фарқи шундаки, ҳаракатланувчи фаза сифатида инерт газ ишлатилади, ҳаракатсиз фаза эса қаттиқ тўтувчига адсорбцияланган суюқликдир. Бу усулда аралашма таркибидаги моддаларни бир-бирдан индивидуал ҳолатда ажратиш махсус қурилма-газли хроматографларда амалга оширилади.

Хроматографнинг асосий қисмлари қуйидагилар: хроматография колонкаси, детектор ва ўз –ўзидан ёзувчи ускуна (самописец). Хроматографишлаши учун инерт газ балони уланади:

Қуйидаги суратда хроматографнинг принципал схемаси келтирилган.



Расм. Газ-суюклик хроматографнинг принципиал тузилиши.

- 1- инерт газли балон; 2-редуктор;3-аниқ бошқариш вентили; 4-манометр; 5-реометр;
6-хроматография колонкаси; 7-колонка учун термостат; 8-тадқиқот қилинаётган аралашмани
киритиш жойи; 9-детектор; 10-газ ўлчагич; 11-термостат бошқарувчиси; 12-детектор
бошқарувчиси; 13-сампосец асосий чизигини бошқарувчиси; 15-назорат жиҳозлари панели;
16-самописец; 17-хроматограмма.

Дунёда шу принципда ишловчи турли конструкциядаги қулай хроматографлар қўлланилади.

Газ-суюклик хроматографиясини газли хроматографда бажаришнинг мумкинлиги куйидагича:

Хроматограф колонкаси:харакатсиз суюқ фаза шимдирилган,кукунсимон қаттиқ тутувчи фаза билан тўлдирилади.

Термостатга жойланган колонка қиздирилиб, у орқали доимий тезликда инерт газ ўтказилади. Маълум температурага етганда колонкага, микрошприц ёрдамида, таҳлил қилинаётган моддалар аралашмаси юборилади. Аралашма юқори температура таъсирида тезда қайнаб, парга айланади. Парланган аралашма компонентларининг бир қисми инерт газ билан бирга ҳаракатланиб, ҳаракатсиз фазада зрийди, бошқалар эса колонка бўйлаб учини давом эттиради. Парланган компонентнинг ҳаракатсиз фазада эрувчанлиги канча кам бўлса, у шунчалик тез колонка орқали ўтиб кетади.

Хар бир компонентнинг ҳаракат тезлиги унинг газ ва суюқ фаза орасидаги тақсимланиш коэффициентига боғлиқ.


$$K = \frac{C_c}{C_r} = \text{const}$$

Бунда, K – компонентнинг тақсимланиш коэффиценти

C_c – компонентнинг суюқ фазадаги концентрацияси.

C_r – компонентнинг газли фазадаги концентрацияси.

Колонкадан чиқаётган инерт газ оқими бирин-кетин аралашма компонентларини олиб чиқади. Хар бир компонент парлари инерт газ хажми билан ажратилган. Колонкадан чиқаётган газ-пар оқимининг ўзгараётган физик ёки кимёвий хоссаи детекторда қайд қилинган сигнали кучайтирилиб, самописец – чизувчи мослама ёрдамида хроматограмма қуринишида чизиб борилади.



Вақт ёки газнинг доимий тезликдаги ҳажми

Хроматограммада O вақт колонкага аралашма юборилган вақтга тўғри келади.

$OA, AB, ГD$ ораликлар хроматограмма асоси бўлиб, бунда колонкадан фақат инерт газ чиқаётган вақтга мос келади. Хроматограммадаги OB оралик биринчи компонентнинг тўхташ вақти бўлиб, шу вақтдаги колонкадан ўтган газнинг ҳажми тўхталиш ҳажми (V_R) дейилади. Тўхталиш ҳажми хар бир компонентнинг ўзига хос кўрсаткичидир. Лекин, амалда кўпроқ нисбий тўхталиш ҳажми (V_R) тушунчаси қўлланилади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$V_R = \frac{V_R}{V_{Rcm}}$$

бунда, V_R – айна компонентнинг тўхталиш хажми

$V_{R_{CT}}$ – худди шу колонкада, бир хил шaroитда ўлчанган стандарт модданинг тўхталиш хажми.

Аралашмадаги моддаларнинг ажралиши ёки бўлиниши бир-бирига боғлиқ бўлмаган шарт шaroитда боғлиқ: бўлиниш коэффициенти ва колонканинг унумдорлиги. Бўлиши коэффициенти хроматограммада чўккиларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини белгиласа, колонка унумдорлиги уларнинг шаклини белгилайди.

Бўлиниши коэффициенти қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$a = \frac{(V_R)_2}{(V_R)_1};$$

Бунда, $(V_R)_2$ ва $(V_R)_1$ – 2 ва 1 компонентларнинг тўхталиш хажми.

Агар $a=1$ бўлса, компонентлар (моддалар) чўккилари устма-уст тушиб қолади. Бундай ҳолатни ҳаракатсиз фазани еки температурани ўзгартириш орқали йўқотиши мумкин.

Агар $a > 1, 2$ бўлсагина компонентлар яхши ажралади.

Хроматограммадаги моддалар чўккиларининг энини ва иккала компонентнинг тўхталиш хажмини орқали, шу компонентларнинг ажралиш даражасини ҳисоблаш мумкин.

$$Ag = \frac{2\Delta y}{y_1 + y_2}$$

Бунда, y_1 ва y_2 – 1 ва 2 чўккиларнинг эни.

Δy – компонентлар тўхталиш хажмлари орасидаги фарқ.

Колонка унумдорлиги жуда кўп факторларга боғлиқ бўлиб, асосан колонка баландлиги сифатида тушуниладиган катталиқ – назарий тарелкага эквивалент баландлик орқали ҳисобланади. Бунинг учун НТЭБ ни топиш учун колонка узунлиги назарий тарелкалар сонига (n) бўлинади.

$$HTЭБ = \frac{H}{n}; H - \text{колонка узунлиги}$$

$$N = 16 \left(\frac{x}{y} \right)^2; x \text{ ва } y \text{ ухроматограммада кўрсатилган ўлчамлар, яъни, чўкки}$$

баладдлиги ва асосининг эни.

Газ-суюклик хроматографиясининг аниклигини хроматограммага караб билиш мумкин. Бунда харакатсиз фазанинг хоссалари ва миқдори, колонканинг узунлиги ва температураси чўккилар орасидаги масофага таъсир килса, инерт газ тезлиги ва босими, колонкадаги каттик тутувчи фаза зичлиги, унинг шакли ва кесим юзаси чўкки асосининг энини белгилайди.

Шунинг учун тадқиқот қилинаётган аралашма таркибидан келиб чиққан ҳолда колонка узунлиги ва шакли танланади. Колонкалар тўғри, U – шаклида ёки спиралсимон шиша, мис, латун каби материаллардан ясалган бўлиши мумкин. Амалда диаметри 4-8 мм ва узунлиги 2-3 метр бўлган колонкалар кўпроқ қўлланилади.

Колонкалар тўлдириладиган каттик тутувчи фазалар механик шишиқ, инерт, йирик говакли бўлиши шарт. Амалда кўпроқ целит 545, ўтга чидамли гишт С-22, тсермахол, «W» ва «Р» хромосорблари, диатомит ва каолинлар қўлланилади.

Харакатсиз суюк фазалар сифатида ҳам, тадқиқот қилинаётган аралашма таркибига кўра ва температурага кўра, ҳар хил моддалар қўлланилади. Асосий шарт фаза инерт ва айнаи температурада учмаслиги керак. Масалан: турли заржир узунлигидаги бир асосли карбон кислоталар метил эфирлари 300° С гача температурада тадқиқот қилинса, алиезол L – каттик фаза қўлланилса, ҳар хил тўйинганлик даражасига эга бўлган ёғ кислоталар метил эфирлари 200° гача температурада тадқиқот қилинганда полиэфирлардан: полиэтиленгликоль-адипат (ПЭГА) ёки полиэтиленгликольсукцинат (ПЭГС) ёки реоплекс 400 ишлатилади.

Ёғ кислоталари эфирлари ёғ шу ёғ кислоталарининг ўзига нисбатан анча паст температурада қайнайди, шунинг учун ёғ кислоталарининг метил эфирлари

қўлланилади. Қайнаш температураси ўз навбатида босимга боғлиқ бўлганлиги учун оптимал босим танланади.

Ёғ кислоталарнинг метил эфирлари эса турли усуллар билан тайёрланади. Масалан: водород хлорид иштирокида диэтил эфир таъсир эттириш, ёки диэзометан таъсирида метиллаш ёки глицидларни метанолиз усулида метиллаш.

Хроматограммани ҳисоблаш учун ҳар бир чўкки учбурчак шаклида кўрилиб, чўкки баландлиги асосига кўпайтирилиб иккига бўлинади:

$$S_n = \frac{x \cdot y}{2}; S_n - \text{чўкки (учбурчак) юзаси модда миқдори деб қабул}$$

қилинади.

Аралашма таркибидаги моддалар миқдор нисбатини юзалари йиғиндисини $\sum S_n \cdot 100\%$ деб қабул қилиниб, ҳар бир модданинг % миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$C_n = \frac{S_n}{\sum S_n} \cdot 100(\%)$$

Бунда, C_n – модданинг аралашмадаги % миқдори.

5.2. Моддаларни идентификациялаш.

Газ-хроматографияда моддаларни идентификациялашнинг янги услубларини ишлаб чиқилишининг асосий сабабларидан бири шундаки, вақт ўтиши билан хроматографиянинг асосий йўналиши, маълум нисбатан содда моддалар аралашмаларини эмас, балки табиий моддаларнинг мураккаб аралашмалари ва биоматериалларни тадқиқот қилиш эканлиги маълум бўлди. Бунда олдиндан ажратилган стандарт моддалар бўлмайди ва таҳлил қилинаётган аралашмадаги бир неча компонентлар номаълум бўлади. Шунинг учун хроматограммадаги маълум моддаларга ҳос айрим чўккиларнинг тўғри идентификацияланиши мумкин бўлмай қолади.

Айнан мана шунинг учун замонавий хроматографлар учун сезгир ёки селектив детекторлар ишлаб чиқиш ва худди шу сабабли хроматографик таҳлил спектрометрик таҳлил усули билан тўлдирилди, ва бу асосан масс-

спектрометрия бўлди. Бунда масс-спектрометр биринчидан, хроматографда олинган чўққиларни ҳисобга олувчи юқори унумдор детектор вазифасини бажарса, иккинчидан, бу усул айрим хроматографик чўққиларнинг масс-спекторларини ҳисобга олиш имконини берди. Бунда таҳлил қилинаётган аралашма айрим компонентларининг тўлиқ спектори олинади.

5.3. Газ-хроматографларнинг масс-спектрометрлар билан қўшилиши.

Хроматографик ва масс-спектрометрик маълумотларни умумлаштирган ҳолда мураккаб табиий аралашмаларни жуда унумли таҳлил қилиш мумкин. Замонавий масс-спектрометрлар жуда қисқа вақт (0,01 сек.) ва анча кенг спекторларни ҳисобга олиб, ташувчи-газнинг тўхтатилмаслиги масс-спектрометрга уланган колонкалар унумдорлигини доимий сақлаб туради. Газ хроматографи ва масс-спектрометри умуллатирувчи жиҳозда колонкани масс-спектрометрининг ионлаш манбайига уловчи мослама конструкциясининг ахамияти каттадир. Масс-спектрометр ионлаш манбайининг вакуум остида (10^{-3} мм.см.ус.) ишлаши хроматограф колонкалари унумдорлигини пасайтирган бўлар эди. Шунинг учун кўпгина замонавий ускуналарда хроматограф колонкалари масс-спектрометрлар билан “молекуляр сепаратор”уловчи мосламаси билан уланган. Бундай улаш колонкадан чиқиш ва ионлаш манбайи орасидаги босимни пасайтириб, аралашма таркибидан ташувчи-газнинг (асосан гелий ишлатилади) ажратилиши намунанинг бойитилишига олиб келади. Қуйидаги расмда молекуляр сепараторларнинг турли конструкциялари келтирилган:




Рис. а - инпичка оқимли сепараторлар; б - капилляр сепараторлар;
 в - мембранали сепараторлар; г - масс-спектрометрга β -нонлаб киритушчи;
 1- колонкага киритувчи; 2 - масс-спектрометр; 3- ташувчи-газ; 4- вакуум насосга; 5-
 диффузияли киритувчи 25 мкм; 6- β -нурланиш манбайи;
 7- намуна киритиш

5.4. Хроматографларнинг масс-спектрометрлар билан ўлчовчи мосламалар.

Молекуляр сепараторларда молекулалари турли ўлчамда бўлган ташувчи-газ ва таҳлил қилинаётган аралашма компонентларининг хусусиятлари орасидаги фарқдан фойдаланилган. Бир кадамли ёки кўп кадамли инпичка оқимли (струйный) сепараторлар мателлдан ёки шишадан ишланган. Уларда форсункалар диаметри ва форсункалар орасидаги масофа шундай белгиланганки, молекуляр массаси кичик бўлган модда (ташувчи-газ) сепаратордан вакуум насос билан тўртиб олиниб, бойитилган намуна ионлаш манбайига тўртилиши керак. Иккинчи хил конструкциядаги молекуляр сепараторда ташувчи-газ шиша ёки тефлондан тайёрланган говакли материал орқали диффундирланади. Учинчи хил молекуляр сепараторларда органик молекулаларнинг ажратувчи мембранада танловчан эрувчанлиги ва у орқали ионлаш манбайига диффузияланишидан фойдаланилган.

Кейинги ишланган хроматографни масс-спектрометрга улаш мосламаларини яратишда мураккаб янги ёндошилиб, бу мосламада молекуляр

